Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 210 (6. 401) 1987 йил 15 сентябрь, сешанба Баҳоси 3 тийин

1917 1987

## Резервларни ишга солиб

«Ташхимсельмаш» заводининг 4-цехида социалистик мусобақа ютуқлар омили бўлмоқда. Ишчилар хом ашё, резервлардан самарали фойдаланишнинг янги усулларини ишга солишяпти.

Меҳнат коллективлари ўртасидаги беллашувда Л. Касикова ва С. Б. Вишневский бригадалари илғорликни қўлдан бермай келишмоқда.

Л. Касикова етакчилигидаги 22 нафар тикувчи «Асбоблар термаси», «Н» индекси билан ёшларбоп беқасам сумкалар ва бошқа харидоргир маҳсулотларни тайёрлайди.

С. Б. Вишневский бошчилигидаги 17 кишилик қуювчилар бригадаси эса безакли стол-стул, рўзғорбоп буюмлар ишлаб чиқаради.

Илғорлар 9 ойлик планларини муддатидан олдин бажаришди.

Планга қўшимча безакли стол-стуллардан 1 минг 500 дона, болалар туфлиси ва пляж туфлисидан 3 минг сўмлик, 13 минг сўмлик хўжалик сумкалари, 9 минг дона «Н» индексли полиэтилен сумка тайёрлаш мажбуриятини олишган. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллик юбилейи кунига 1988 йил январь ойи топшириқларини бажаришга бел боғлашган.

## Икки-уч сменага ўтиб

«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи меҳнат унумдорлигини ошириш учун изланмоқда. Мавжуд қувватларни, машиналар, асбоб-ускуналар, станокларни иш билан янада тўлиқ таъминлаш шулар жумласидандир.

Бирлашмада шу мақсадда икки сменада ишлайдиган меҳнат коллективлари сафини кенгайтириш юзасидан бир қатор тадбирлар кўрилмоқда. 2, 5, 7, 20-цехларда мавжуд дастгоҳлардан ана шу сабабли тўлиқ фойдаланиляпти.

Корхонада ишни ҳатто уч сменада ташкил этишга тараддуд кўрилаяпти. 5 ва 7-цехларда меҳнат унумдорлигини кескин кўтаришнинг ана шу муҳим омилига биринчи даражали аҳамият беришяпти.

## Бунёдкорлар аҳди

Юнусобод массивининг 9-кварталида 160 ўринли боғча қурилиши ниҳоясига етди. Бу болалар маскани шаҳримизда тажриба асосида қурилган бўлиб, монтаж ишлари конвейер усулида уч ойда тугалланди.

159-трест 22-қурилиш бошқармасининг Я. Казанец етакчилик қилаётган хўжалик ҳисобидаги комплекс бригадаси коллективи бу масъулиятли топшириқни шараф билан уддалади.

Боғча лойиҳасини «Ташгипрогор» институти архитекторлари ишлаб чиққанлар. Бинокорлар 557 минг сўмлик иш бажаришди. Бунда илғорлардан И. Чударин, Ғ. Собиров, А. Сулаймоновларнинг ҳиссаси катта бўлди.

26 кишидан иборат коллектив графикдан ўзиб, октябрь ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда. Шу кунгача 90 минг сўмлик монтаж, 70 минг сўмлик пайвандлаш, 80 минг сўмлик ғишт териш, жами 250 минг сўмлик бинокорлик ишлари бажарилди.

Қурувчилар Улуғ Октябрь байрами арафасида боғчани фойдаланишга топширишга аҳд қилишган.

Д. ОБЛАЕВ,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

# Октябрь байрамига меҳнат рапорти

### ТОШКЕНТЛИКЛАР ШОНЛИ САНАГА БАҒИШЛАНГАН КОММУНИСТИК ШАНБАЛИККА ҚИЗҒИН ТАРАДДУД КЎРМОҚДАЛАР

**Республика меҳнаткашлари москваликларнинг 17 октябрь куни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги шарафига коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватламоқдалар. Заводлар, фабрикалар ва қурилишларда шанбалик штаблари ташкил этилиб митинглар ўтказилмоқда. Митингларда мажбуриятлар қабул қилинмоқда ва зарбдор вахта кунининг юксак марралари белгиланмоқда.**

## Тўқимачилар

Тошкент тўқимачилик комбинатининг коллективи кўп кишилик митингда Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги таклифни якдиллик билан қўллаб-қувватлади. Илғор ишчилар, мусобақа пешқадамлари ип ўровчи Н. Таликина, тўқувчи Р. Третьякова, мастер ёрдамчилари С. Исаева, К. Ҳасанов ва бошқалар шанбалик шарафига юксак мажбуриятлар олдилар.

Корхонада меҳнат байрамига тайёргарлик штаби ишлай бошлади. Штаб ишни ўзгарувчан график асосида ташкил этиши, зарбдор сменалар қатнашчиларини хом ашё ва материаллар билан таъминлаши керак.

Шанбаликда 50 тонна калава, 100 минглаб метр хом сурп ва тайёр газлама, бир миллион дона ғалтак ип ишлаб чиқарилади.

## Машинасозлар

«Ташсельмаш» заводи меҳнаткашларидан олти мингдан ортиқ киши Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган коммунистик шанбаликда қатнашади. Политехника институтининг корхона оталиққа олган факультетларидаги юзлаб хизматчилар ва студентлар ободонлаштириш ишларида банд бўладилар. Корхона коллективи беш йиллик фондига салкам етти минг сўм ўтказади.

Цехларда бўлажак меҳнат байрамига тайёргарлик кенг авж олдирилган. Ишлар режалаштирилиб, резервлар ҳисобга олинмоқда. Кўпгина коллективлар, масалан, О. Карпова, Д. Атаманов, С. Басько бошлиқ бригадалар шанбалик кунида аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб, энг юқори иш унумига эришамиз, деб сўз бердилар.

Илғорлар қаторида бўлмаган бригадалар ҳам шанбалик вахтасида анчагина ишларни амалга ошириш ниятидадирлар. Улар ишлаб чиқариш графигидан орқада қолишни иложи борича камайтиришни мўлжалламоқдалар. Бошқа бўлимлар ва цехларнинг ходимлари уларга ёрдамга келадилар.

## Кабелчилар

«Тошкенткабель» заводи меҳнаткашларининг 70 проценти Улуғ Октябрь социалистик революциясининг юбилейига бағишланган шанбаликда ўз иш жойларини эгаллайдилар. Қолган кишилар эса корхона территориясини ободонлаштириш ишлари билан шуғулланадилар.

25 та бригада ва смена, юздан ортиқ ишчи шу куни тежалган хом ашё ва материалдан, иқтисод қилинган ёқилғи — энергетика ресурслари ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини қабул қилдилар. Улар орасида асбобсозлик цехининг токарлари В. Берсенев ва Э. Иброҳимов, М. Гронин бошлиқ бригада, ишчи В. Окуневалар бор. Меҳнат байрамида улар смена нормаларини 120 процент бажаришга аҳд қилдилар.

Завод коллективи шанбалик кунида 3 минг сўмлик халқ истеъмол моллари: рўзғор электропроводлари, шнур ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни белгиладилар. Ишлаб топилган маблағ беш йиллик фондига ўтказилади.

(ЎзТАГ).

## МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Халқлар дўстлиги проспектидаги бассейнли денгизчилар мактабининг биринчи корпусида монтаж ишлари ниҳоясига етди. У Ўзбекистон ДОСААФи Марказий Комитетининг буюртмаси асосида «Ташгипрогор» лойиҳаси бўйича бунёд этилмоқда. Уч қаватли бу бинонинг биринчи қаватида сузишни билмайдиганлар учун бассейн, медпункт, сауна, буфет, дам олиш хоналари, вестибюль аквариуми билан, соч қуритиш хоналари бўлади. Иккинчи қаватда денгиз кўпкураши, сув ости спорти синфлари, 28 ўринли буфет бўлади.

Учинчи қаватда врач хонаси, кутиш зали, врачлар ва ҳамширалар хоналари жойлашади.

Бинокорлик ишларини «Главташкентстрой»га қарашли 153-трест 62-қурилиш бошқармасининг Т. Исаев ва Б. Саъдуллаев етакчилик қилаётган комплекс бригада аъзолари олиб боришмоқда.



## Графикдан ўзиб

**Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг ихтисослашган ремонт ишлаб чиқариш корхонаси коллективи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун ғайрат билан тер тўкмоқда. Аҳил коллектив шу йилнинг биринчи ярми планини муваффақиятли адо этди. Барча ремонт ишлари графикдан ўзган ҳолда бажарилмоқда. Эришилган кўрсаткичлар ҳамда чакки эмас. Олти ой мобайнида меҳнат унумдорлиги 3 процентга ошди, ремонт ишлари таннархи 163,2 минг сўмга камайтирилиб, 20 минг киловатт-соатдан зиёд электр энергияси иқтисод қилинди.**

**СУРАТДА: корхонанинг юқори кучланишли изоляторлар учун синов-стенди.**

## ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ ИШЧИ ГРУППАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ

КПСС Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар бўлими сектор мудирининг ўринбосари И. Е. Пономарев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиумининг масъул ходимлари группаси 3—11 сентябрь кунлари қрим татарлари билан боғлиқ муаммолар юзасидан иш олиб борди. Ишчи группасининг аъзолари Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона областларида бўлиб, қрим татарлари аризаларида ўртага қўйилаётган масалаларнинг бутун комплексини чуқур ўрганишни давом эттирдилар.

Группа Москва шаҳрида давлат комиссиясининг ишчи группаси мажлисида қатнашган Ф. Сефершоев, О. К. Адаманов, Д. К. Биарсланова билан учрашди.

Область ишчи комиссияларининг раислари Р. Ш. Абдуқодиров, А. Ф. Қодиров ва бошқалар билан учрашувлар бўлиб ўтди. Бундан буёнги ишларнинг тартиби ҳақида келишиб олинди. Область ишчи комиссияларининг раислари кўпчилик қрим татарлари республика ва область комиссиялари тузилганлигини ва бу комиссияларнинг ишини маъқуллаётганликларини айтдилар. Давлат комиссиясининг иши, шунингдек республика ва область комиссияларининг фаолияти ҳақида республика ҳамда маҳаллий газеталар саҳифаларида батафсилроқ ахборот бериш ҳақида истак билдирилди. Қрим татар аҳолиси билан мунтазам учрашувлар ўтказиб туриш зарурлиги ҳақида ҳам гапирилди.

Группанинг бутун иши давомида ҳамма жойда экстремистик кайфиятдаги шахслар қрим татарларини гиж-гижлашга, республика комиссиясига, совет органларига тазйиқ ўтказишга, ўз талабларини ультиматум шаклида ўртага қўйишга уринаётганликлари уқтириб ўтилди. Бундай хатти-ҳаракатлар масалаларни ҳал этишга тўсқинлик қилади ва уларни қрим татарларининг асосий кўпчилиги қораламоқда. Қрим татарларининг аризаларида кўтариб чиқилаётган проблемалар комплекси, уларнинг эътирозлари ва таклифлари давлат комиссиясига топшириш учун умумлаштирилди. Маҳаллий характердаги бир қанча масалалар ҳал этилди.

(ЎзТАГ).

## ПАРТИЯ САФЛАРИНИНГ СИФАТИ ҲАҚИДА АЛОҲИДА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛИНСИН

11—12 сентябрь кунлари область партия комитетлари ташкилий-партиявий ишлар бўлимлари мудирлари ҳамда область партия комитетлари ҳузуридаги партия контроли комиссиялари раисларининг республика семинар-кенгаши бўлди. Семинар-кенгашда КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилоти ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарорини бажариш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Семинар қатнашчилари Тошкент областидаги бир қанча партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари мисолида партия сафларини тез кўпайтириш ва механик тарзда тартибга солишни бартараф этиш, партияга қабул қилиш учун танлаш чоғида талабчанликни ошириш ва партия сафига қабул қилинган ёшлар билан ишлашни кучайтириш борасидаги баъзи амалий тадбирлар билан, коммунистларни аттестациядан ўтказиш, кадрлар масаласини ҳал этишда ошкоралик ва демократиянинг янги формаларини жорий этиш практикаси билан танишдилар.

Семинарда Тошкент область партия комитетининг секретарлари Т. А. Алимов ва Р. А. Попов доклад қилдилар, бир қанча шаҳар, район партия комитетларининг бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари иш тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири П. В. Догонкин қатнашди.

## Замондошимиз



## Ветеран ибрати

**Яратиш ва яшнатиш ишқи билан яшаётган бугунги бунёдкор авлод амалга ошираётган ишлар жадаллаштириш, қайта қуриш программасини юзага чиқаришда муҳим омил бўлмоқда. Буни дилдан ҳис этган «Ташсельмаш» заводи ишчилари катта мақсадларни кўзлаб меҳнат қилмоқдалар. Бу бежиз эмас, албатта. Заводда тайёрланаётган терим агрегатлари қишлоқ меҳнаткашларининг қанотига айланган. Ўз ишларини янги талаблардан келиб чиққан ҳолда қайта қураётган завод меҳнатчилари пахта териш машиналари қувватини ошириш, сифатини яхшилаш борасида муҳим тадбирни ишлаб чиқаришга жорий этмоқдалар. Бунда қалби олов машинасозларнинг ҳиссаси салмоқли бўлаяпти.**

**Виктор Дмитриевич Глухов корхонанинг ана шундай фидойи ишчиларидан бири. У 31 йилдан буён заводда фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. Слесарь-йиғувчилик касбининг сирларини мукаммал эгаллаганлиги билан бошқа касбдошларидан ажралиб туради.**

**Унинг номини кўпчилик ёшлар мураббийлари сифатида алоҳида ҳурмат билан тилга оладилар. Бу бежиз эмас, албатта. Виктор Дмитриевич касбининг нозик қирраларини ёшларга сидқидилдан ўргатиб боряпти. Уларнинг моҳир ишчилар сафидан ўрин олиши учун куч-ғайратини аямаяпти.**

**Виктор Глухов билан суҳбатда бўлган киши беихтиёр ҳозирги давр ишчисига хос барча яхши фазилатлар унда мужассамлашганлигининг гувоҳи бўлади. Юқори разрядли моҳир ишчи ўз касбини тўла эгаллаганлиги билан ҳам ана шундай ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган. У бошчилик қилаётган йиғувчи-слесарлар бригадаси айни кунларда мамлакатимиз халқлари ҳаётидаги муҳим воқеа — Улуғ Октябрнинг 70 йиллик юбилейини муносиб совғалар билан кутиб олишга катта тайёргарлик кўрмоқда. «Ҳурмат Белгиси» ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари нишондори Виктор Дмитриевич эса кўзланган режалар амалга ошишига бутун куч ва имкониятини сафарбар этаётир.**

**СУРАТДА: Виктор Дмитриевич Глухов.**

**Р. Шарипов фотолари.**

### ПЕНСИОНЕРЛАР — УРУШ ВА МЕҲНАТ ВЕТЕРАНЛАРИНИНГ МОДДИЙ УЙ-ЖОЙ-МАИШИЙ ШАРОИТЛАРИНИ ҲАМДА БЎШ ВАҚТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА БУТУНИТТИФОҚ РЕЙДИ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

## Ҳамкорликда фаол ҳаракат қилиб

**Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ҳамда уруш ва меҳнат ветеранлари шаҳар совети президиумининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда жамоатчилик ветеранлари, шаҳар ва район Советларининг пенсионерлар — уруш ва меҳнат ветеранларининг моддий, уй-жой-маиший шароитини ҳамда бўш вақтини ташкил этишни яхшилаш бўйича Бутуниттифоқ рейдида қатнашуви тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.**

Мажлисда Бутуниттифоқ рейди қўйган вазифаларни амалга ошириш юзасидан шаҳар районларида муайян ишлар бажарилганлиги қайд этилди. Ҳозир Ўзбекистон пойтахтида 243 мингдан зиёд уруш ва меҳнат ветеранлари истиқомат қилишмоқда. Шундай қилиш керакки, улар ҳамиша диққат-эътибор, меҳрибонлик ва ғамхўрликни ҳис этиб турсинлар. Бутуниттифоқ рейдининг бош мақсади ёрдамга муҳтож ветеранларни аниқлаш, уларга жамоатчи ташкилотларнинг эътиборини жалб этиш, оталиқ ишларини кучайтириш, истак билдирганларига эса ишга жойлашишда ёрдам беришдан иборат. Шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ва социал таъминот бошқармаси томонидан Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг госпитали, қариялар пансионатининг фаолияти текширилди. Рейд мобайнида 1500 ёлғиз яшаётган қария ветеранлар аниқланди. Уларга соғлиқни сақлаш, социал-таъминот, савдо ва маиший хизмат ходимларининг оталиғи ташкил этилган. Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчилари, ҳалок бўлганлар оилаларининг эҳтиёж ва талабларини қондиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мажлисда Куйбишев, Октябрь ва Ленин район ветеранлар советларининг Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига тайёргарлик борасидаги ижобий иш тажрибалари таъкидланди.

Шу билан бирга рейд давомида советлар ва ветеранлар ташкилотларининг фаолиятидаги жиддий камчиликлар аниқланди. Қабул қилинган қўшма қарорда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети бошқармалари ва бўлимлари, халқ депутатлари район Советлари ижроия комитетлари раҳбарларининг эътибори ветеранлар ташкилотлари билан янада яқинроқ амалий алоқада бўлиш зарурлигига қаратилди. Район ижроия комитетларининг рейдларига уруш ва меҳнат ветеранлари район Советларининг муваффақиятли ишлаши учун шароит яратиш, улар учун хоналар, тегишли мебель ва телефонлар ажратиш таклиф этилди.

Бутуниттифоқ рейди доирасида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ҳамда уруш ва меҳнат ветеранлари шаҳар Совети ташкилий комитетининг тадбирлари тасдиқланди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ҳамда уруш ва меҳнат ветеранлари шаҳар совети президиумининг кенгайтирилган қўшма мажлисида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Мирсаидов, шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари А. И. Фозилбеков иштирок этдилар.

## «ПАХТАКОР»—«РОСТСЕЛЬМАШ»—3:0

Кеча мамлакат чемпионатининг биринчи лигасида қатнашаётган командалар навбатдаги 34-тур учрашувларини ўтказишди.

Ушбу турда ҳамшаҳарларимиз Ростов-Доннинг «Ростсельмаш» командасини қабул қилишди. Учрашувни кўтаринки руҳда ўтказган пахтакорчилар йирик ҳисобда (3:0) ғалаба қозонишди.

Учрашувнинг биринчи бўлим 31-минутида А. Абдураимов ҳисобни очди. Иккинчи бўлим 57-минутида командамизнинг ёш ўйинчиси А. Дўрмоновни ростовликлар жарима майдонида қўполлик билан тўхтатишади. 11-метрлик белгидан М. Кабаев тўпни дарвозага аниқ йўллади. 76-минутда яна М. Кабаев учинчи тўпни киргазди. Шундай қилиб, М. Кабаевнинг урган тўплари сони 13 тага етди.

Шу турнинг қолган учрашувлари қуйидаги натижаларни берди: «Помир» — «Динамо» Ст. — 4:0, «Геолог» — СКА «Карпати» — 1:0, «Кузбасс» — «Даугава» — 0:0, «Крилья Советов» — «Черноморец» — 1:1, «Локомотив»— «Шинник» — 3:1, СКА Р. — «Колос» — 2:1, «Заря» — «Факел» — 0:0, «Спартак» — «Ротор» — 0:0, «Динамо» Бт. — «Торпедо» — 0:1.

## «ЁЗЛИК» ВАҚТНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Ягона вақт ва эталон частоталар давлат комиссияси 1987 йилнинг 27 сентябридан бошлаб Совет Иттифоқининг бутун территориясида «ёзлик» вақт бекор этилишини маълум қилади.

«Ёзлик» вақт 1987 йил 27 сентябрь соат 3 да соат стрелкасини 1 соат орқага қайтариш билан бекор қилинади.

(ТАСС).

## Телетайп лентасидан

ВАШИНГТОН. СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе Вашингтонга келгач, ҳарбий-ҳаво кучларининг Эндрюс базасида америкалик ва чет эллик журналистларнинг бир қанча саволларига жавоб қайтарди.

У, жумладан, бундай деди: **биз бу ерга ишчанлик кайфиятида ва маълум умидворлик билан, ҳатто эҳтиёткорона умидворлик билан келдик. Ҳақиқатан ҳам катта иш қилинди, бироқ муаммолар ҳал бўлмай турибди. Кечагина иккинчи даражали бўлиб туюлган масалалар тобора муҳим бўлиб қолмоқда.**

**Э. А. Шеварднадзе КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг президент Рейганга мактубини олиб келганини айтди. «Олий даражадаги учрашувларга келганда, шуни айтиш керакки, ҳамма нарса ишимизнинг натижаларига боғлиқ бўлади», деб таъкидлади у.**

**Министрга: «Қўшма Штатлар бу музокараларда жанговар каллаклар унчалик жиддий муаммо эмас, деб айтмоқда. Бунга сиз нима дейсиз?» деган савол берилди. «Йўқ, жанговар каллаклар — жиддий масала», — деб жавоб қайтарди у.**

**«Битим тез орада тузиладими?», «Принцип жиҳатдан олганда катта иш қилинди, аммо ҳали ҳам жиддий муаммолар турибди», — деди Э. А. Шеварднадзе.**

МАНАГУА. Сандиночилар халқ армиясининг жангчилари республика территориясида ғаламислик ҳаракатлари қилаётган ва Америкага ёлланган сотқинларга қарши Никарагуанинг жануби-шарқий районларида муваффақиятли жанговар операция ўтказдилар. 5-ҳарбий округ штабининг бошлиғи майор Рамон Кальдероннинг айтишича, армия бўлинмалари билан ички қўшинларнинг биргаликдаги ҳаракатлари натижасида сотқинларнинг гуруҳлари қаттиқ мағлубиятга учратилди. Контрреволюционерлар тўдаларининг шу зонага суқилиб кирган раҳбарларидан бири, шунингдек кўп миқдордаги қурол-яроғ ва ўқ-дори қўлга туширилди. Шу ойнинг ўзида контраслардан бу районда 1400 киши гумдон қилинди. 100 га яқин сомосачи асир қилиб олинди, деди Рамон Кальдерон.

**ПАРИЖ. Янги Каледониянинг келажаги хусусида ўтказилган референдумда берилган овозлар саналиб чиқилгач, дастлабки расмий маълумотлар эълон қилинди. Рўйхатга олинган 84.347 сайловчидан овоз беришда 49.453 киши ёки сайловчиларнинг 58,9 проценти қатнашди. Маълумки, овозга қўйиш Франциянинг мустамлака ҳукмронлигини абадийлаштиришга хизмат қилади, деб ҳисоблаётган канаклар миллий социалистик озодлик фронти референдумда қатнашишдан бош тортди. Референдум қатнашчиларининг 98,3 проценти Франциянинг денгиз ортидаги департаменти бўлмиш Янги Каледониянинг ҳозирги статусини сақлаб қолишни ёқлаб чиқди.**

